

**МОЛЕКУЛЯР ГЕНЕТИКА ФАНИНИДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН  
ФОЙДАЛАНИШ**



Даминов Муслимбек Асадуллаевич<sup>1</sup>, Жуманов Муратбай Арапбаевич<sup>2</sup>

1 - Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.;

2 - Каракалпакстан давлат университети, Каракалпакстан Республикаси, Нукус ш.

**ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В НАУКЕ  
МОЛЕКУЛЯРНАЯ ГЕНЕТИКА**

Даминов Муслимбек Асадуллаевич<sup>1</sup>, Жуманов Муратбай Арапбаевич<sup>2</sup>

1 – Самаркандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарканд;

2 - Каракалпакский государственный университет, Республика Каракалпакстан, г. Нукус

**USE OF INNOVATIVE EDUCATIONAL TECHNOLOGIES IN THE SCIENCE OF MOLECULAR GENETICS**

Daminov Muslimbek Asadullaevich<sup>1</sup>, Jumanov Muratbay Areppbaevich<sup>2</sup>

1 – Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand;

2 - Karakalpak State University, Republic of Karakalpakstan, Nukus

e-mail: [info@sammu.uz](mailto:info@sammu.uz)

**Резюме.** Уибу мақолада Молекуляр генетика фанини ўқитишида инновацион таълим технологияларини кўллаш орқали талабаларнинг ўзлаштириши ва билим салоҳиятини ошириши самараодорликлари ҳақида маълумот келтирилган.

**Калим сўз:** инновацион таълим технологиялари молекуляр генетика, креатив технологиялар, дидактик ўйинлар.

**Abstract.** This article provides information on the effectiveness of increasing the learning ability and cognitive potential of students through the use of innovative educational technologies in teaching molecular genetics.

**Key words:** innovative educational technologies, molecular genetics, creative technologies, didactic games.

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2023-йилга “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб ном беришни таклиф этган эдилар. Давлатимиз раҳбари ушбу таклифлари орқали инсонларга эътибор орқали сифатли таълим юксак ҳамда илмли келажак учун нечоғлик муҳим эканлигини англаш кийин эмас. Инсонлар турмиш даражасини яхшилаш ва сифатли таълим учун инновациян ёндашувлар ҳамда таълим технологияларидан фойдаланиш зарур. Инновациянинг аҳамияти тоғрисида муҳтарам президентимиз қуидагиларни доим алоҳида таъкидлаб ўттадилар: «Инновация бу келажак дегани. Биз буюк келажагимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсан, уни айнан инновацион гоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак». 2018-йилдан бўён мамлакатимизда инновацион технологияларни ривожлантиришнинг асосий вазифалари белгиланди: «Келгуси йилларда илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, бунинг учун зарур молиявий ресурсларни сафарбар этиш, ушбу жараёнда иқтидорли ёшлар иштирокини, ижодий ғоя ва ишланмаларни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш вазифаси

эътиборимиз марказида бўлади». Демак, бугунги кунда ҳар бир соҳа ва тизим фаолиятини инновацион гоялар ва технологиялар асосида олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Дастлаб «инновация» сўзининг маъносига бироз тўхтадиган бўлсан. Инновация тушунчаси (лотинча новус янги) тадқиқотларда ва илмий ишларда ХIX асрларда қўлланила бошлаган. Аввалида бу алоҳида элементларни бир соҳадан бошқа соҳага тадбик этишни ифодалаган. Сўнра кўпчилик ташкилотлар техникавий янгиликлар киритиш конуниятларини ўрганиб ўз ташкилотларининг молиявий фойда олиши учун «инновацион сиёсатни» бутун бир тизим сифатида ўзлаштиришди. Ушбу фаолият жамияти ҳаётининг ихтиёрий бўғинини янгилаш бўйича умумий белгиларга, конуниятлар, янгилик киритиш механизмига эга. Инновацион технологиялар педагогик жараёнда ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгилик, ўзгартиришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда интерфаол методлардан фойдаланишни тақозо этади. Интерфаол усууллар таълим жараёнида қатнашаётган ҳар бир ўқувчининг фаоллигига, эркин ва мустақил фикр юритишга асосланади. Инновацион таълим тех-

нологиялари усулларидан фойдаланилганда билим олиш талабалар учун кизиқарли машгүлötтө айланади.

**Асосий қисм.** Интерфаол усуллар күлланилганда талабалар ўқитувчилар ёрдами ҳамда ҳамкорлигига мустақил ишлаш кўникма ва малакаларига эга бўладилар. Ёш мутахассислар янги билимларни илмий изланиш, тадқиқотчилик, тажриба синовлар ўтказиш асосида ўзлаштирадилар.

Молекуляр генетика фанини ўқитишида инновацион технологиялардан фойдаланилганда таълим жараёни қатнашчилари кичик гурухларга бўлинган ҳолда ишлайдилар. Ўкув топшириклари алоҳида бир талабага эмас, балки кичик гурухнинг барча аъзоларига бирдек берилади ва ўзаро мулоқат ҳамда фикр алмашиниш яхшиланиб, сўнгиде берилган топшириқ юзасида якунланган ҳамда кулаг энг яхши хулоса берилади. Ўқитиши жараёни ташкил этишнинг асосий шакли дарсdir ва дарсда кўйилган мақсадларга эришиш бир мунча яхшиланади.

Хозирги кунда бизлар ҳам Молекуляр генетика дарсларидаги хилма хил ноанъанавий шаклларни жорий этмоқдамиз. Мисол тариқасида генетис масалаларни ечишда “Малани скреншот қилиш орқали ечиш” ёки “СТЕМ” бундан ташкири расмли вазиятли масалар ва топшириклар бериш орқали олиб бормоқдамиз. Бундай дарслар талабаларнинг ижодий қобилиятини ўстириш, ақлий салоҳиятини кучайтириш, илмий дунёкарашини кенгайтириш ва келажакда дуч келиши мумкин бўлган ҳар бир генетик ўзгаришларни тез ва тўла қабул кила олиш кўникма ва малакаларининг шаклланишига хизмат қиласи.

Дарс жараёнида инновацион технологияларни кўллаш талабаларда илмий изланишга қизиқиши уйғотади, ижодкорлик ва бунёдкорлик қобилиятини ривожлантиради. Натижада эгалланган билим, кўникма ва малакалар амалий фаолиятда татбиқ этилади, ўзлаштириш сифати ошади. Бунинг учун ўқитувчи маҳоратли бўлиши ва мавзуларнинг мазмунига караб дарс машғулотларини тўғри режалаштириши, машғулот давомида барча талабаларни фаол ва онгли ишлашларига эришишни лозим. Зоро, ўқитувчи таълим ислоҳотининг бош ижроқисидир. Бунда ҳар бир ўқитувчини қисқа вақт ичida жуда катта миқдордаги ахборот тўпламини ўзлаштириш, қайта ишлаш ва амалда кўллай олишга ўргатиш мухим аҳамиятга эга. Уни ҳал қилишда ўқитувчига ўқитишнинг анъанавий усуллари билан бирга замонавий ахборот технологиялари, жумладан компьютерлардан фойдаланиш ёрдам беради. Педагогик инновация бу педагогик фаолиятдаги янгилик, ўқитиши ва тарбия мазмуни ва технологиясидаги ўзгаришлар, уларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган. Инновация-инновация натижаси сифатида тушунилади ва инновацион жараён учта асосий босқичнинг ривожланиши сифатида қаралади: гояни яратиш (маълум бир ҳолатда, илмий кашфиёт), амалий жиҳатларда гояларни ривожлантириш ва янгиликларни амалиётга татбиқ этиш. [2]

Педагогик инновациялар самарадорлигининг ўлчови сифатида оптимальлик ўқитувчи ва талабаларнинг кафолатланган натижага эришиши учун куч-куват сарфлашларини тақозо этади.

Турли ўқитувчилар ва талабалар ўзларининг шахсий педагогик ҳамда ўкув фаолиятлари жараёнида турлича даражадаги самарадорликка эришадилар. Худди мана шунинг ўзи педагогик инновацияларнинг оптимальлик даражасини белгилайди. Инновацион усулларнинг энг муҳим белгиси сифатида натижаланганлик ўқитувчи фаолиятида ижобий ютуқларга эришилгандағина намоён бўлади. Ўлчовлардаги технологик, кузатувчанлик, натижаларнинг қайд этилганлиги ўқитишинг янги усуллари, методларини баҳолаш орқали намоён бўлади. Мазкур ўлчовнинг аҳамиятли жиҳати шахс, унинг идроки ва тушунчаларини шакллантиришнинг бир бутунлигига намоён бўлади.

Инновацион жараёни, илмий гояни амалий фойдаланиш босқичига олиб чиқиш ва шу билан боғлик ижтимоий педагогик мухитдаги ўзгаришларни амалга ошириш жараёни деб хисоблаш мумкин. Фояларнинг инновацияга айланишини таъминлайдиган ва бу жараёни бошқариш тизимини шакллантирадиган фаолият бу инновацион фаолиятдир. Инновация жараёни ривожланиш босқичларининг яна бир ўзига хос хусусияти мавжуд. Педагогик тажрибада педагогик инновацияларни ижодий кўллаш алоҳида ўқитувчилар иш фаолиятининг бошлангич босқичида намоён бўлади. Мазкур инновациялар тажрибаси синовдан ўтказилиб, объектив баҳолангандан сўнг оммавий тарзда кўллаш учун тақдим этилади. Кенг оммалашган, ижобий натижаларга эришиш имконини берадиган инновацион усуллардан фойдаланган ҳолда ўқитувчиларнинг креатив функцияларини ривожлантириш мақсадга мувоғиқ хисобланади. Педагогик маданиятнинг оддий эсда колган билимларни тақрорлаш шаклидан бошлаб, илмий педагогик жамоатчиликка маълум бўлган гоялар, концепциялар, технологияларни ўз шахсий фаолиятига сингдиришдан уларни эвристик, креатив ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишга қадар, бўлажак мутахассисларнинг кундалик ҳаракати мазмунини ташкил этиши лозим. Педагогик инновацияларнинг мазмуни, уни кўллаш орқали бўлажак генетис мутахассислар тажрибасига сингдириш мухим аҳамиятга эга. Таълим муассасаси хаётига педагогик инновацияларни кенг кўламда олиб кириш учун унда янгилик мухитини яратиш, муайян ахлоқий психологик ҳолатни шакллантириш, ташкилий, методик, психологик ҳарактердаги чоратадбирларни кўллаш талаб этилади.

Шу мақсадда булажак мутахассисларнинг креатив функцияларини ривожлантириш, уларни инновациялар билан изчил таъминлаб бориш, инновацион усулларни таҳлил ва татбиқ қилишга ўргатиш вазифасини кўйиш лозим. Молекуляр генетика фанида ҳам бошқа фан мутахассислари сингари, таълим тизимидағи ва соҳадаги янгиликлар муттасил мутахассислар томонидан ўрганилиб келинмоқда.

Шундай қилиб, хусусий инновациялар ва ижтимоий-педагогик янгиликларни кўллаб кувватловчи ижтимоий-педагогик контекстни яратиш маълум ҳажм, миқёс ва даражада умуман минтақавий таълим тизимини ривожланишини сезиларли даражада кучайтириши мумкин. [3]

Хусусан, турли хил инновацион жараёнларнинг хаётий даврларини ўрганган педагогик инновациялар мутахассиси В.И.Загвязинский, янгиликни ривожлантириш натижасида ижобий натижаларга эришган ҳолда, ўқитувчилар асоссиз равишда уни универсаллаштиришга, уни педагогик амалиётнинг барча соҳаларига татбиқ этишга интилаётганликларини таъкидлайди.

**Хуносалар.** Даастлаб Молекуляр генетика фани ўқитувчиларида ижодкорликни шакллантириш, ёш генетикларда мустақил билим олиш ва ижодий фикирлашга йўналтириш. Бундан ташқари, ўқитувчилар орасида ижодий муҳит, муайян маънавий руҳий ҳолат, ташкилий, методик, психологик чора-тадбирлар қўллашга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим.

**Адабиётлар:**

1. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат.–Т., 2006.
2. Бегматова Да.“Таълим жараёнига инновацион таълим технологияларини кўллашдаги муаммолар ва уларни ривожлантириш омиллари” Халқаро илмий форум / i international scientific forum Uzbekistan, Tashkent – 22.06.2022
3. Ибрагимова Г.Н. Интерфаол ўқитиши методлари ва технологиялари талабаларнинг креативлик қобилиятларини ривожлантириш. И Монография. - Т.: «Фан ва технологиялар», 2016. -77-б.
4. Панфилова А.П. Инновацион педагогик технологиялар: Фаол ўрганиш: Олий ўқув юртлари

талабалари учун дарслик / А.П. Панфилов. - М., Академия, 2009 й.

5. Жуманов, А. М., анд М. Н. Йигиталиев. "Узлуксиз таълим тизимида инновацион технологиялардан интегратив мақсадларда фойдаланиш." *Interpretation and researches* 1.1 (2023).

6. Даминов, М. "Utilizing the" scarab" interactive technology in molecular genetics education." *Science and innovation* 2.B9 (2023): 54-56.

7. Даминов, Муслимбек. "Использование программы STEAM в преподавании молекулярной генетики." *in Library* 3.3 (2023): 74-77.

8. Даминов, Муслимбек. "Современное состояние совершенствования методики преподавания молекулярной генетики." *in Library* 3.3 (2023): 78-82.

**ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ  
ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В НАУКЕ  
МОЛЕКУЛЯРНАЯ ГЕНЕТИКА**

Даминов М.А., Жуманов М.А.

**Резюме.** В данной статье представлена информация об эффективности повышения обучаемости и познавательного потенциала студентов за счет использования инновационных образовательных технологий в обучении молекулярной генетике.

**Ключевые слова:** инновационные образовательные технологии, молекулярная генетика, креативные технологии, дидактические игры.